**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Иштихон Абу Али ибнСино номидаги жамоат саломатлиги техникуми директори**

**_________________ Х.С.Нурматов**

“ 4 ” октябр 2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Иштихон -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1.1Танлов предмети: Иштихон шахри Каттақурғон кўчаси 41 уйда жойлашган Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми биноларини жорий таъмирлаш.

Танлов охирги қиймати – 421272325 (Турт юз йигирма бир миллион икки юз етмиш икки минг уч юз йигирма беш) сўм.

Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили:, Самарқанд вилояти Иштихон шахри Каттақўрғон кўчаси 41 уй.

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Танлов Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 699-сонли Қарорида кўрсатилган қурилиш корхоналарининг эълон давридаги рейтинги, яъни ишончлилик тоифаси-рейтинг баҳоси-ишончлилик даражаси-умумий бали бўйича баҳолаш. Ушбу талабга таклифни баҳолашда “reyting.mc.uz” дастуридан олинган харфлардан иборат рейтингни скриншот файли, “tender.mc.uz” дастурининг шахсий кабинетидан олинган рақамлардан иборат рейтинг балини скриншот файли илова қилиниши шарт;

Корхона раҳбарининг қурилиш соҳасидаги мутахассислиги бўйича баҳолаш. Ушбу талабга таклифни баҳолаш учун Ягона миллий меҳнат тизими дастури (my.mehnat.uz) дан корхона раҳбарини ишлаётганлиги тўғрисида

скриншот маълумотнома тақдим этиш; маълумоти олий ёки ўрта махсус бўлса диплом нусхасининг скриншот файлини тақдим этиш талаб этилади;

Корхонада ишловчи раҳбар ва ходимларга 2021-йил ва 2022 йил 3 октябр ҳолатига ҳисобланган иш ҳақи самарадорлигини баҳолаш. Таклифни баҳолаш учун 2021й декабр ва 2022й август ойи жисмоний шахслардан олинадиган даромад ва ижтимоий солиқ ҳисоботига бириктирилган раҳбар ва ходимларнинг исмлари номма-ном келтирилган 5-иловаси (list01) тўлиқ тақдим этилиши шарт.Корхонанинг ташкил этилганидан бажарган қурилиш иши кўрсатилган давр оралиғида бошланган бўлса, ўша даврдан олдинги ой ҳисоботининг 1-варағи (list01) ҳам тақдим этилиши шарт;

2021й ва 2022й 3 октябр ҳолатига корхона томонидан бажарилган иш ва сотилган товарларнинг солиқдан яширилмаганлиги бўйича баҳолаш. Ушбуни аниқлаш учун "soliqservis.uz" дастуридан кўрсатилган давр учун қабул қилинган ва юборилган ҳисобварақ-фактураларининг рўйхатини скриншот файлларини word файлга жамлаб тақдим қилиниши шарт

Эълонга илова қилинган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан танлов иштирокчиси томонидан бажариладиган ишларга сарфланадиган меҳнат ресурслари, машина ва механизмлар, қурилиш моллари, ускуналар ва бошқа хизматлардан иборат ресурслар ведомостини ўз ичига олган единичка;

2021й ва 2022й 3 октябр ҳолатига бажарилган ишлар ва сотилган маҳсулотларга нисбатан тўланган жами солиқ тўловларининг улуши бўйича баҳолаш. Кўрсатилган муддатлар учун банк ҳисобрақамларидаги айланма маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумоти (маъл-да операция бўлган сана, пул келиб тушган ташкилот ва пул чиқиб кетган ташкилотнинг реквизитлари, оборот дебет ва кредит сумма ҳамда тўлов мақсади бўлиши шарт.Ҳар бир варағига банк ўз муҳри ёки штампи,имзоси билан тасдиқлаб бериши шарт) ҳамда кўрсатилган даврлардаги тўлиқ "pdf" шаклидаги штрихли солиқ солиштирма далолатномалари тақдим этилиши зарур;

Корхонанинг балансида,корхона таъсисчиси ва раҳбарининг номида бўлган техникаларнинг мавжудлиги бўйича баҳолаш. Ушбу талабга таклифни баҳолашда техникаларнинг техпаспорти ва рақами кўрсатилган расмлари скриншот, jpg, jpeg формат усулида ёки ушбу усулларни ўз ичига олган pdf ёки "word" шаклида илова қилиниши шарт;

Агар танлов предмети булган ишлар ( хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

3.4. Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш ), тугатиш ёки банкротлик арафасида тургалар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачм" ва "Иштирокчи" ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўҳшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган

санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни,хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриби чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.

**ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ**

# Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми биноларини жорий таъмирлаш

**ИНФОРМАЦИОННАЯ ТАБЛИЦА КОНКУРСОВ**

Данный раздел включает в себя специальные положения, касающиеся предмета конкурса, и дополняющие информацию или требования, приведенные в других разделах конкурсной документации

| № | Наименование раздела | Пояснения к разделам |
|---|---|---|
| 1 | Заказчик: | Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми |
| 2 | ПРЕДМЕТ КОНКУРСА: | Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми биноларини жорий таъмирлаш |
| 3 | Номер конкурса: | № 5 |
| 4 | Адрес и контакты Заказчика: | Иштихон шахри Каттақурғон кўчаси 41 уй |
| 5 | Контактное лицо: | Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми бош ҳисобчиси – Аликулов Уктам |
| 6 | Объявление о конкурсе опубликовано: | Специальный информационный портал: etender.uzex.uz |
| 7 | Для участие в конкурсе допускаются участники | Участие в конкурсе объединений юридических лиц (консорциумов) не допускается |
| 8 | Лицензируемые виды работ | Требуется товаров по размеру и требованию заказчика и установка |
| 9 | Сроки обращения участников за разъяснениями к конкурсной документации | 5 дня до даты окончания срока подачи конкурсного предложения |
| 10 | Срок действию конкурсного предложения: | не менее 2 дней со дня окончания представления конкурсных предложений |
| 11 | Прием конкурсных предложении | Предложения принимаются с момента опубликования на сайте |
| 12 | Конкурс и вскрытие предложений будет осуществляется | В электронным виде |
| 13 | Период оценки конкурсных предложений | Период оценки конкурсного предложения составляет не более 10 дней со дня окончания приёма конкурсных предложений |
| 14 | Размер обеспечения исполнения договора | 3% от стоимости работы, определенной по результатам конкурса |
| 15 | Предельная цена заказчика: | 421272325 сум |
| 16 | Язык конкурса: | Ўзбек |
| 18 | Источник финансирования | бюджетные средства |
| 19 | Валюта договора | Узбекский сумм |

**Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми директори:** **Х.С.Нурматов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI ISHTIXON ABU ALI IBN SINO NOMIDAGI JAMOAT SALOMATLIGI TEXNIKUMI

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Иштихон Абу Али ибнСино номидаги жамоат саломатлиги техникуми директори**

**____________________Х.С.Нурматов**

**Техник топшириқ буюртмачи**

Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми

Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми биноларини жорий таъмирлаш

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Иштихон Абу Али ибнСино номидаги
жамоат саломатлиги техникуми
директори

_______________ Х.С.Нурматов

Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми биноларини жорий таъмирлаш

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми биноларини жорий таъмирлаш | хизмат | 1 | 421272325 | 421272325 |
| жами | | | | | 421272325 |

**Иштихон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат**

**саломатли техникуми бош ҳисобчиси:** **У.Аликулов**